



КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ МИКРОМОЛИЯЛАШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ

Баратов Махсудали Назиралиевич,

Наманган давлат университети мустақил изланувчиси

Email: mnb7907@gmail.com

Маматов Бахадир Сафаралиевич,

Тошкент молия институти профессори, DSc

Email: bahadir_mamatov@mail.ru

Тошкент, Ўзбекистон

ANALYSIS OF THE PRACTICE OF MICROFINANCE OF SMALL BUSINESS SUBJECTS

Baratov Maksudali Naziralyevich,

Independent student of Namangan State University

Email: mnb7907@gmail.com

Mamatov Bakhadir Safaralievich,

DSc, Professor of Tashkent Financial Institute

Email: bahadir_mamatov@mail.ru

Tashkent, Uzbekistan

JEL Classification: G2,G22

Аннотация. Ушбу мақолада тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаштириш амалиёти, микромолиялашнинг ҳажми ва динамикаси таҳлили амалга оширилган. Кичик бизнес субъектларини микромолиялаш тизими таснифланган ва тавсифланган. Кичик бизнес субъектлари учун микрокредитлардан фойдаланиш шартлари, тижорат банклари томонидан микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари баён қилинган. Аҳолига ажратилган кредитлар таркибида микроқарз ва микрокредитлар улуши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар

ва микрокредитларнинг ялпи ички маҳсулот ва банк кредит қўйилмалар ҳажмидаги улуши, тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига берилаётган микрокредитларнинг муддати, фоиз ставкаси ва миқдорлари тадқиқ қилинган. Тадқиқот натижалари асосида кичик бизнес субъектларини микромолиялаш тизимини ривожлантиришига қаратилган илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Abstract. This article analyzes the practice of microfinance for small businesses and private entrepreneurs, the scale and dynamics of microfinance by commercial banks. The microfinance system of small businesses is classified and

described. The conditions for the use of micro-loans by small businesses, measures to increase the popularity of microfinance services by commercial banks are described. In the structure of loans issued to the population, the share of micro-loans and microloans, the share of loans and microloans issued to small businesses and private organizations in the volume of gross domestic product and bank loan investments, duration, interest rate and amounts of microloans issued by commercial banks to small businesses were studied. Based on the results of the study, scientific and practical proposals were developed aimed at developing the microfinance system for small businesses.

Калим сўзлар: кичик бизнес, тадбиркорлик, тижорат банклари, ялпи ички маҳсулот, микромолиялаштириш, микромолиявий хизматлар, микрокредит, микроқарз, фоиз ставка, микрокредит миқдори, микрокредит бозори, молиялаштириш манбалари.

Keywords: small business, entrepreneurship, commercial banks, gross domestic product, microfinance, microfinance services, microcredit, microloan, interest rate, volume of microcredit, microcredit market, sources of financing.

Халқаро амалиётда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури, Жаҳон банки, АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ва шу каби нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан кичик бизнес фаолиятини микромолиялаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Мазкур тадқиқотларда кичик бизнес фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш ва

микрокредитлаш тизимини такомиллаштириш каби масалалар ўз ечимини топган. Аммо, кичик бизнес субъектларининг ўз бизнесини ташкил этишларида айрим харажатларни субсидиялаш, уларга банк кредитларидан фойдаланишларида кафилликлар тақдим этиш, микрокредитлар миқдорини лойиҳалар хусусиятларидан келиб чиқиб, ошириб бориш билан боғлиқ масалалар ханузгача ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Микромолиялашнинг шаклланиш тарихи «XIX асрнинг 40 йилларида Германия кишлоқ хўжалигида юз берган танглик ҳолатидан (оғир иқлим шароитининг юзага келиши ва ҳосилдорлик бўлмаганлиги) бошланди ва ўша даврларда Фридрих Райфайзен томонидан Вейербуш шахрида Европада биринчи бор «Хлебный союз» ўзаро ёрдам кассаси ташкил этилди» [1].

Гуруҳли кредитлаш услубиётига асосланган биринчи микрокредитлаш дастури Бангладешда 1976 йилда проф. М.Юнус (Нобель мукофоти соҳиби, 2006 й.) бошчилигидаги «Грамин» [2] банки орқали амалга оширилди ва шу йилни микромолиялашнинг туғилган йили, деб номлаш мумкин. Айни шу даврда М.Юнус томонидан микромолиялашнинг назарий, услубий асослари ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган. Унинг қарашларига кўра, микрокредитлар камбағалларга имтиёзли шартларда (паст фоиз ставкада ва гаров таъминотисиз) берилиши зарур ва шу орқали улар камбағаллик балосидан қутулиб, аста-секин банклар ва микромолиявий ташкилотлар хизматларидан ўрта синфга мансуб миқдорлар сифатида фойдаланиш имконига эга бўлишади. М.Юнуснинг ушбу фикрлари муҳим ижтимоий

аҳамиятга эга бўлиб, камбағалларнинг молиявий ресурслардан фойдалана олиш имкониятини яратиб, уларнинг ташаббускорлигини ривожлантиради, турмуш фаровонлигини яхшилайти, ўрта мулкдорлар синфини шакллантиради.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектларини микромолиялаш тизимининг замонавий ҳолати, бир вақтнинг ўзида бир нечта муҳим масалаларнинг навбати билан тадқиқ этилишини тақозо этади. Биринчидан, кичик бизнес субъектларини микромолиялаш тизими ўз ичига нималарни қамраб олиши ўрганилади, иккинчидан, тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини микромолиялаш тартиби ёки услубияти нималардан иборат эканлигига аниқлик киритилади; учинчидан, кичик бизнес субъектларини микромолиялашда банк ресурсларининг ҳажми ва динамикаси ҳамда бунинг тизим тараққиётига таъсири қандай ҳолатда эканлиги тадқиқ этилади ва муҳим илмий хулосалар шакллантирилади.

Кичик бизнес субъектларини микромолиялаш тизимида, мантиқ нуқтаи назаридан, энг аввало, ушбу тизимга хизмат қилувчи муассасалар (инфратузилмалар) майдонга чиқади, яъни ушбу секторни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи ихтисослаштирилган тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотлари, махсус жамғармалар, халқаро молиявий ташкилотлар ва банклар томонидан кичик бизнес субъектларига турли микромолиявий хизматлар кўрсатилади. Бундай хизматлар кичик бизнес субъектларига тақдим этиладиган микрокредитларни, микролизинг, микроқарз, микросуғута, гуруҳли қафолатлаш асосида

микромолиялаш, ушбу ташкилотлар томонидан кичик бизнес субъектларига банк кредитлари бўйича компенсация ва кафилликларни ҳамда турли микромолиявий хизматларни қамраб олади.

Ундан сўнг кичик бизнес субъектларига микромолиявий хизматлар кўрсатувчи инфратузилмалар томонидан кичик бизнес субъектларига микромолиявий хизматлар кўрсатиш услубияти, тартиб-қоидалари белгиланади. Буларга микромолиявий хизматлар кўрсатиш принциплари, микромолиялаш мақсадлари ва бундай хизматлардан фойдаланиш тартиби ўрнатилади. Масалан, микроқарзлар банклар ва микрокредит ташкилотлари томонидан тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида фақат жисмоний шахсларга тақдим этилади.

Ундай кейин эса кичик бизнес субъектларини микромолиялаш йўналишлари аниқланади. Масалан, бошланғич сармояни шакллантиришга, кичик ускуналар сотиб олишга, хом ашё ва материалларни бирламчи харид қилишга, чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантиришга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ва х.к.


Микромолиялаш тизимида молиявий муносабатлар базис сифатида қатнашади, бошқа қисмлар усткурма ҳисобланади. Микромолиявий муассасалар эса тизимнинг бошқа қисмини ташкил этиб, у микромолиявий хизматларни бошқариб туради. Юқоридагилардан келиб чиқиб, кичик бизнес субъектларини микромолиялаш тизими қуйидаги тўртта қисмни мужассамлаштира олгандагина яхлит ва объектив бўлади. Уни қуйидаги 1-расм орқали ифодалаймиз:



1-расм. Кичик бизнес субъектларини микромолиялаш тизими [3]

Бугунги кунда тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига микрокредит, микроқарз ва микролизинг хизматлари кўрсатилмоқда. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, микрокредитлар «тадбиркорлик субъекти ёки ўзини ўзи банд қилган шахс бўлган қарз олувчига тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш, шунингдек шартномада назарда тутилган ҳолларда муайян мақсадлар учун фойдаланиш шартларида уч юз миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда пул маблағларини» [4] ифода этади. Бундай

кредитлар аҳолига, кичик бизнес субъектларига, асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга, чорвачилик, йилкичилик, туячилик, балиқчилик, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантиришга, қуён боқиш ва етиштиришга, иссиқхоналар қуришга, шунингдек, уруғ ва кўчатлар сотиб олишга йўналтирилмоқда. Бунда кичик бизнес субъектлари томонидан микрокредитлардан фойдаланиш тартиби ва шартларига риоя қилишлари зарур бўлади (2-расм).



2-расм. Кичик бизнес субъектлари учун микрокредитлардан фойдаланиш шартлари[5]

Сўнги йилларда микромолиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш, худудларда микромолиявий хизматлардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш, микромолия ташкилотлари учун қўшимча молиявий ресурслар, шу жумладан депозит жалб қилиш имкониятини яратиш 2023 йил 10

ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда микромолия хизматларининг ўрни ва улушини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-364-сон қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, микромолиявий хизматлар оммабоплигини оширишнинг қуйидаги чора-тадбирлари белгиланди (3-расм):



3-расм. Тижорат банклари томонидан микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари [6]

Ҳисоб-китобларимиз ва тадқиқотимиз натижаларига кўра, микромолиявий хизматлар оммабоплигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар яқин истикболда микромолиялаш бозори ҳажмини қарийб 100 млрд. сўмга етказилишини таъминлаш ҳамда кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитларнинг жами ажратилган кредитлардаги улушини 38 фоиздан 45 фоизга етказиш имконини беради. Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг имтиёзли шарт-шароитлари, бир қарз олувчига бериладиган микрокредит ва микроқарзлар миқдорининг оширилиши кредитлардан фойдаланиш имкониятларини янада оширади. Бу эса пировардида аҳоли учун уларнинг реал даромадларини оширишга, иқтисодий ўсишга эришиш ва камбағаллик даражасини камайтиришга, тижорат банклари учун мижозлар базасининг кўпайишига ва уларнинг банкка бўлган ишончининг ортиб боришига, банк фойдасининг ўсишига, Марказий банк учун банк тизими барқарорлигининг ошишига хизмат қилади.


Кичик бизнес фаолияти тараққиётининг таъминланиши, бир вақтнинг ўзида мамлакат тижорат банкларининг кредит қўйилмалари ҳажмига ва улардан самарали фойдаланилишига боғлиқ бўлади. Бу эса, ўз навбатида, ЯИМ ҳажмининг ўсиб боришига хизмат қилади. 2023 йилда мамлакат ЯИМ ҳажми 1066,5 трлн сўмни ташкил қилган ва бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 7,4 мартаба ортган бир пайтда тижорат банкларининг кредит қўйилмалари ҳажми 2014-2023 йиллар давомида барқарор ўсиш суръатларига

эга бўлиб, 14,4 мартаба ошган. Банклар томонидан иқтисодий тармоқлари ва соҳаларига ажратилган кредитлар иқтисодий ўсишни ялпи талаб томондан молиявий қўллаб-қувватловчи асосий омиллардан бири бўлди. «Ажратилган кредитларнинг 43,7 фоизи саноатга, 22 фоизи савдо ва умумий овқатланишга, 11,6 фоизи қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, 5,7 фоизи қурилишга ҳамда 5,2 фоизи транспорт ва коммуникация соҳасини ривожлантиришга йўналтирилди. Аҳолига ажратилган кредитлар 25,6 фоизини микроқарз, 22 фоизини ипотека кредити, 33 фоизини истеъмол кредити, 14 фоизини микрокредитлар ташкил этади» [7]. Бундай ҳолат тижорат банклари кредит қўйилмаларининг ўсиш суръати ЯИМ ҳажми ўсиш суръатидан юқори (тезлиги, тезкорлиги) эканлигини кўрсатади ҳамда иқтисодий тармоқларини, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг реал даромадларини ошириш ва турмуш фаровонлигини яхшилаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш нуқтаи назаридан ижобий ҳолатни намоён қилади. 2014-2023 йиллар давомида тижорат банклари кредит қўйилмаларининг ЯИМ ҳажмидаги улуши 22,8 фоизли бандга ошиб, ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган. Хусусан, сўнгги 2020-2023 йиллар мобайнида тижорат банклари кредит қўйилмаларининг ЯИМ ҳажмидаги улуши ўртача 45,4 фоизни ташкил қилган. Халқаро амалиёт кўрсатишича, «тижорат банклари кредит қўйилмаларининг ялпи ички маҳсулот

ҳажмидаги улуши АҚШда 150 фоизни, Буюк Британияда 170 фоизни, Австрияда 190 фоизни ва Нидерландияда 279 фоизни ташкил қилади» [8]. «Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотларига аъзо давлатларда 2022 йилда хусусий секторга берилган кредитларнинг ЯИМ ҳажмидаги улуши 160,7 фоизни ташкил қилган» [9].

Сўнгги йилларда иқтисодиётдаги эркинлаштириш жараёнлари, молиявий хизматлар оммабоплигининг ортиши, банклар томонидан иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳалари молиявий

жиҳатдан фаол қўллаб-қувватланаётганлиги ҳисобига тижорат банклари кредит қўйилмаларида юқори ўсиш суръатлари кузатилди. Бунда аҳолига ажратилган кредитлар ҳажми 2019-2023 йилларда ўртача йиллик 48,2 фоизга ошиб, иқтисодиётга кредит қўйилмалари ўсишига юқори ҳисса қўшди. Аҳолининг тадбиркорлик фаоллигининг кўтарилиб бориши кредитларга, микромолиявий хизматларга бўлган талабнинг ҳам ўсишига хизмат қилмоқда (4-расм).



4-расм. Аҳолига ажратилган кредитлар таркибида микроқарз ва микрокредитлар салмоғи (фоиз ҳисобида) [10]

Жумладан, 2020-2023 йиллар давомида аҳолига ажратилган жами кредитлар таркибида микроқарз ва микрокредитларнинг улуши (ўртача улуши 38,2 %) юқори бўлган ва бу аҳолининг микромолиявий хизматларга бўлган талабининг ошиб бораётганлигини ҳам ифода этади.

Шу билан бирга ҳозирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлар ва микрокредитлар билан таъминланиш даражаси етарли эмас. Буни қуйидаги статистик маълумотлар таҳлилидан ҳам кўриш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ва микрокредитларнинг ялпи ички маҳсулот ва банк кредит қўйилмалар ҳажмидаги улуши (фоиз ҳисобида) [11]

Кўрсаткичлар	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил
Кичик бизнес тадбиркорлик субъектларига берилган кредитларнинг ЯИМ ҳажмидаги улуши	6,3	5,6	6,5	6,2	7,2	10,5	8,0	8,1	7,8	6,8
Кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг тижорат банклари кредит қўйилмалари ҳажмидаги улуши	26,4	25,0	31,6	17,8	18,3	26,2	17,5	18,3	17,3	14,7
Кичик бизнес субъектларига берилган микрокредитларнинг ЯИМ ҳажмидаги улуши	1,3	1,1	1,3	1,3	1,5	2,0	1,7	2,1	1,7	1,6
Кичик бизнес субъектларига берилган микрокредитларнинг тижорат банклари кредит қўйилмалари ҳажмидаги улуши	5,5	5,0	6,3	3,7	3,7	5,1	3,7	4,6	3,8	3,5

Жумладан, 2014-2023 йиллар давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитларнинг ЯИМ ҳажмидаги улуши ўртача 7,3 фоизни, тижорат банклари кредит қўйилмалари ҳажмидаги улуши ўртача 21,3 фоизни ташкил қилган. Бир вақтнинг ўзида таҳлил қилинган давр мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган микрокредитларнинг ЯИМ ҳажмидаги улуши ўртача 1,5 фоизни, тижорат банклари кредит қўйилмалари ҳажмидаги улуши ўртача 4,5 фоизни ташкил қилган

Бирок, Европада микрокредит бозорининг мамлакат ЯИМ ҳажмидаги улуши 6-16 фоизни ташкил қилади. Хусусан, «Германияда бу кўрсаткич 6 фоизни, Францияда 11 фоизни, Швейцарияда 12 фоизни ва Буюк Британияда 16 фоизни ташкил қилади» [12].

2.2-жадвал ва Европадаги микромолиялаштириш бозорига оид айрим статистик маълумотлар таҳлили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаш бўйича

бир неча муҳим хулосаларни чиқариш имконини беради:

– биринчидан, 2014-2023 йиллар давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган микрокредитларнинг ЯИМ ҳажмидаги улуши бор-йўғи 0,3 фоизли бандга ошган ва бу мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини микрокредитлар билан таъминлаш етарли даражада эмаслигини кўрсатади. Хусусан, ЯИМ ҳажми ўсишининг юқори суръатлари ва микроолиявий хизматларга ўсиб бораётган талабни қаноатлантириш (қондириш) бир-бирига мувофиқ эмас;

– иккинчидан, 2014-2023 йиллар мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган микрокредитларнинг тижорат банклари кредит қўйилмалари ҳажмидаги улуши, аксинча 2,0 фоизли бандга пасайган. Бундай ҳолат, таҳлил қилинган давр мобайнида тижорат банклари кредит қўйилмалари ҳажмининг ўсиш суръатлари кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига берилган микрокредитларнинг ўсиш суръатларидан юқори эканлигини кўрсатади ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини кредитлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолатни намоён қилиши билан бирга микрокредит бозорининг суст ривожланаётганлигидан далолат беради. Шу билан бирга маҳаллий банклар ўз фаолиятларининг фойдали йўналишлари сифатида кичик бизнесни микрокредитлашни маъқулламайдилар;

– учинчидан, Европа мамлакатларида тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредитларнинг мамлакат ЯИМ ҳажмидаги юқори улуши (6-16%) микроолиявий хизматлар бозорининг ривожланганлиги кўрсатади ҳамда микроолиялаш ишсизликни камайтириш ва аҳолининг ижодий ҳамда тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, қўллаб-қувватлашнинг самарали воситаси эканлигини намоён қилади. Бундай ҳолат, тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган микроолиявий хизматлар ҳажмининг йилдан-йилга ўсиб бораётганлигини кўрсатади ҳамда аҳолининг микрокредит ресурсларига бўлган талабани қондириш, янги иш ўринларини яратиш, камбағаллик даражасини камайтириш, тадбиркорлик ташаббуслари ва қобилиятини қўллаб-қувватлаш нуқтаи назаридан ижобий тенденцияни намоён қилади.

Ўзбекистон Марказий банки маълумотларига кўра, 2023 йил март ҳолатига 21 та тижорат банки томонидан тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратилган. Бундай микрокредитлар 1 йилдан 5 йилгача муддатга, миқдори эса 10-50 миллион сўмгача (мақсади ва бошқа шарт-шароитлардан келиб чиқиб) нақд шаклда ёки банк пластик картасига ўтказиб берилиши мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига берилаётган микрокредитларнинг муддати, фоиз ставкаси ва миқдорлари (2023 йил ҳолатига) [13]

Банк номи	Микрокредитнинг			
	фоиз ставкаси	муддати	энг юқори миқдори	бериш шакли
Агробанк	27,9%	2 йил	30 млн. сўмгача	Банк картасига
Анорбанк	26-28%	1-3 йил	50 млн. сўмгача	Нақд шакл ва банк картасига

Асакабанк	32-34%	1-2 йил	50 млн. сўмгача	Нақд шакл ва банк картасига
Asia Alliance Bank	23-29%	1 йил	50 млн. сўмгача	Банк картасига
	27,9-34%	3 йилгача		
Garantbank	28%	1 йил	50 млн. сўмгача	Банк картасига
	28,9%	2 йил		
Даврбанк	32%-42%	4 йилгача	30-50 млн. сўмгача	Банк картасига
	32%	5 йилгача	100 млн. сўмгача	
	42%	3 йилгача	50 млн. сўмгача	
Ҳамкорбанк	27,9%-40%	1-3 йил	50 млн. сўмгача	Банк картасига
	27,9-32%	2-3 йил		
	48%	2 йилгача		
InfinBank	47,9%	18 ойгача	20 млн. сўмгача	Банк картасига
	29,9%	3 йилгача	50 млн. сўмгача	
Ипак-йўли банки	23,9-27,9%	2 йилгача	30 млн. сўмгача	Банк картасига
	25,9%*	5 йилгача	50 млн. сўмгача	
Ипотекабанк	24%**	1-3 йил	30 млн. сўмгача	Банк картасига
	27,9%	3 йилгача	50 млн. сўмгача	
Мадад Инвест банк	33%	1-2 йил	50 млн. сўмгача	Нақд шакл ва банк картасига
	36%			
Микрокредитбанк	24%	3 ойгача	1,5 млн. сўмгача	Банк картасига
	27%	1 йилгача	10 млн. сўмгача	
	26%-28%	1-3 йил	50 млн. сўмгача	
Orient Finans Bank	28%	1 йилгача	20 млн. сўмгача	Банк картасига
	24%-25%	2-3 йил	50 млн. сўмгача	Нақд шакл ва банк картасига
Саноатқурилишбанк	27,9%-30,9%	1-4 йил	50 млн. сўмгача	Банк картасига
TBC Bank	28%-49%	3 йилгача	50 млн. сўмгача	Банк картасига
Tenge Bank	31,9%	2 йилгача	30 млн. сўмгача	Банк картасига
	35,9%		50 млн. сўмгача	
Трастбанк	24%	1 йилгача	50 млн. сўмгача	Нақд шакл ва банк картасига
	26%	2 йилгача		
	28%	3 йилгача		
	30%	1 йил	10 млн. сўмгача	Банк картасига
Туронбанк	29%	3 йилга	20 млн. сўмгача	Нақд шакл ва банк картасига
	33%	1 йилга	10 млн. сўмгача	Банк картасига / НУМО виртуал картасига
Универсалбанк	28%**	3 йил	50 млн. сўмгача	Банк картасига
	30%			
Ўзмилийбанк	26%**	3 йилгача	50 млн. сўмгача	Нақд шакл ва банк картасига
	28%	2 йилгача		
Ziraat Bank Uzbekistan	23,75%	1 йилгача	50 млн. сўмгача	Банк картасига
	25%	2 йилгача		
	26%	3 йилгача		

*ўз-ўзини банд қилганлар учун;

**банк мижози бўлганда.

Микрокредитлардан
фойдаланганлик учун ҳақ, яъни

микрокредитларнинг фоиз ставкаси
унинг мақсади, миқдори ва муддатига

боғлиқ равишда 23-48 фоизгачани ташкил қилади. Бундай фоиз ставкалари сезиларли даражада юқори бўлган фоиз ставкалари ҳисобланади ва бу Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг юқорилиги ҳамда тижорат банклари томонидан жалб этилаётган ресурсларнинг қиммат эканлиги билан боғлиқдир.

Банклар томонидан берилаётган микрокредитлар onlayn va oflayn режимида амалга оширилмоқда. Бу ҳам микромолиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятини яхшилаш билан бир вақтда, нафақат, тижорат банкларининг даромадлилигига, балки иқтисодиётнинг ривожланишига, ЯИМ ҳажмининг ўсишига, аҳоли бандлиги даражасининг ошишига ва даромадлари кўпайишига ижобий таъсир кўрсатади.

Микромолиявий хизматлар бозорида асосий кредиторлардан бўлмиш АТБ Микрокредитбанк (2023 йил январь ҳолатига 60 та филиал, 93 та банк хизматлари маркази, 10 банк хизматлари офислари, 151 та халқаро пул ўтказмалари ва 178 та валюта айирбошлаш шохобчалари ҳамда 260 та 24/7 шохобчалар фаолият кўрсатмоқда), аввало, иқтисодиётнинг базавий тармоқларини модернизациялаш, техник-технологик янгилаш жараёнларини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожланишини, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаси тармоқларини ривожлантиришни ҳар томонлама кредитлар ва микрокредитлар билан таъминлашни, шунингдек, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини молиявий қўллаб-қувватлашни таъминламоқда.

Банк ўз маблағлари ҳисобидан савдо ва хизмат кўрсатиш, кичик ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини ва юридик шахсларни микрокредитлаш нақд пул шаклда, қарз олувчининг корпоратив картасига ёки унинг ҳисобварағига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилмоқда. Бунда микрокредитларнинг муддати 6-24 ойгача ва фоизи 24-28 фоизгачани ташкил қилиб, 1 йил имтиёзли давр ҳам белгиланади. Микрокредит бўйича гаров таъминоти микрокредит суммасининг 125 фоизидан кам бўлмаслиги талаб этилади.

Банклар томонидан тадбиркорлик субъектларига амалдаги қонунчиликка кўра «жисмоний шахс бўлган қарз олувчига тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида эллик миллион сўмдан ошмайдиган миқдордаги пул маблағлари» [14] микроқарзларни ифода этади, яъни микроқарзнинг миқдори уни олаётган қарз олувчининг тўлов лаёқатига боғлиқ бўлади, бироқ, унинг миқдори 50 миллион сўмдан ошиб кетиши мумкин эмас. Микроқарзлар миллий валютада нақд ёки нақдсиз пул шаклида тақдим этилади. Бир вақтнинг ўзида микроқарз тақдим этилишининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Жумладан, бунда қарз олувчининг ўртача ойлик даромади, кредит тарихи ва бошқа омиллар ҳисобга олинади, шунингдек, микроқарзни қарзнинг ўз муддатида қайтарилиши микромолиявий хизматларни хизматларни қайта тиклашга имкон яратади.

Микроқарздан фойдаланишда тадбиркорлик субъектлари банкларга ёки нобанк кредит ташкилотларига микроқарз олиш учун ариза, шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва фаолияти ҳамда

даромади ҳақида маълумотларни тақдим этиши талаб этилади. Бунда микроқарз бўйича таъминот, яъни гаров таъминоти сифатида учинчи шахнинг кафиллиги, суғурта полиси, ликвидли мол-мулк гарови ва бошқалар бўлиши мумкин. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ микроқарз берувчи банк аризани олгандан сўнг 3 иш куни ичида уни кўриб чиқиши ва бу бўйича тегишли қарор қабул қилиши зарур. Шунинг ҳам алоҳида қайд этиш зарурки, ижобий кредит тарихига эга бўлишлик, доимий даромад манбаининг борлиги (мавжудлиги) ва микроқарз бўйича етарли таъминотнинг таъминланганлиги микромолиялаш бўйича ижобий қарор қабул қилинишига хизмат қилади.

Амалиётда микроқарзлар тадбиркорлик субъектларига микроқарз шартномаси асосида тақдим этилади. Бунда шартноманинг мазмуни, тарафларнинг мажбуриятлари, тарафларнинг ҳуқуқлари, тарафларнинг жавобгарлиги, микроқарз таъминоти, низоларни ҳал қилиш тартиби, форс-мажор ҳолатлар ва қўшимча шартлар олдиндан белгилаб олинади ва шу асосда микрокредитланади. Ажратилган микроқарз ҳисобини юритиш учун микроқарз шартномаси имзоланган кундан бошлаб «қарз олувчи»га алоҳида ссуда ҳисобварағини очилади, «қарз олувчи»га микроқарздан фойдаланганлик учун йиллик фоиз миқдорида устама ҳақ тўлаш шarti билан маълум муддатга қонунчиликда белгиланганидан ошмаган миқдорда микроқарз маблағи банк пластик картасига ўтказиб берилади ёки нақд пул шаклида берилади. Микроқарзнинг банкка ўз вақтида қайтарилиши, ундан фойдаланганлик учун ҳисобланган устама ҳақининг

белгиланган муддатида тўланиши гаров таъминоти билан таъминланади.

Ўзбекистон Марказий банки маълумотларига кўра, «2023 йил 3 октябрь ҳолатига кўра, 23 та тижорат банки томонидан тадбиркорлик субъектларига микроқарзлар (онлайн микроқарз, аванс плус микроқарз, экспресс микроқарз, «Мадад-1» микроқарз) тақдим этилган» [15]. Микроқарзлар бўйича фоизлар йиллик 23,7 фоиздан бошланиб, муддати 5 йилни ташкил қилади. Микроқарзларнинг энг кўп миқдори барча банкларда деярли 50 миллион сўмни ташкил этган. Шуниси диққатга сазоворки, айрим тижорат банклари ўзини ўзи банд қилган шахслар ва доимий даромадга эга бўлмаганларга ҳам микроқарзлар беришни йўлга қўйганлар

Тадбиркорлик субъектларига банклар томонидан тақдим этилаётган микроқарзларнинг миқдори, муддати ва фоиз ставкалари микроқарз турига, шаклига, мақсадига боғлиқ ҳолда белгиланади.

Кичик бизнес субъектларининг замонавий асбоб-ускуналар ва техникалардан фойдаланиш имкониятларини яратишда, ўз ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантиришда микролизинг муҳим амалий аҳамият касб этади. Микролизинг – микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот томонидан лизинг олувчининг топшириғига биноан учинчи тарафдан мол-мулк олиш ҳамда унинг эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига шартномада белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бериш назарда тутилган хизматдир. Микролизинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ 600 млн.

сўм микдоригача берилади. АТБ Микрокредитбанк томонидан кичик бизнес субъектларига микролизинг хизматлари 36 ойдан 60 ойгача бўлган муддатга йиллик 26-27 фоизни ташкил қилади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, мамлакатимизда кичик бизнес субъектларини микромолиялаш тизимини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклифлардан амалиётда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

1. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бошланғич сармояни шакллантириш, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришлари учун микроқарз, микрокредит, микролизинг, факторинг хизматлари ҳамда исломий молиялаштиришга оид турли хизматларни кўрсатишда тижорат банкларига муқобил равишда нобанк кредит ташкилотлари ҳам муҳим амалий аҳамият касб этмоқда. Бу эса молия бозори қатнашчилари, иштирокчилари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратади. Шу муносабат билан

Ўзбекистонда микрокредит ташкилотлари фаолиятини ҳудудлар бўйича мутаносиб ривожлантириш зарур.

2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратишнинг барча босқичлари, хусусан микрокредит аризаларини кўриб чиқиш, бу бўйича қарорлар қабул қилиш, уларга кафилликлар бериш ва микрокредит (микролизинг) ажратиш рақамлаштирилган ҳолда электрон платформаларда амалга оширишга эришиш лозим.

3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ёки кенгайтириш учун уларга имтиёзли давр билан микрокредитларни гаровсиз ёки гаров талаби 50 фоизгача пасайтирилган ҳолда ажратиш мақсадга мувофиқдир.

4. Тижорат банкларининг депозит базасини, шу жумладан, муддатли ва жамғарма депозит базасини мустаҳкамлаш орқали уларнинг кредитлаш салоҳиятини ошириш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Moody J.C., Fite G.C. The Credit Union Movement: Origins and Development 1850 to 1980. Kendall/Hunt Publishing Co., Dubuque, 1984. 354 P. <http://www.opora-credit.ru/news/video/detail.php>.

2. Юнус Мухаммад, Жоли Алан. Создавая мир без бедности. Социальный бизнес и будущее капитализма. – М.: «Альпина Паблицер», 2009. - С. 90.; <http://ru.wikipedia.org/wiki/Микрофинансирование>.

3. Ушбу расм кичик бизнес субъектларини микромолиялаштиришга бағишланган диссертация ишлари, мақолалар, дарслик ва ўқув қўлланмалар, халқаро ҳисоботлар ва бошқа амалий материаллар таҳлили асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.



4. ЎРҚ-765-сон 20.04.2022. Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида (lex.uz).
5. Амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва АТБ Микрокредитбанкнинг тегишли маълумотлари ва материаллари асосида тузилган.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 ноябрдаги ПҚ-364-сон «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда микромолия хизматларининг ўрни ва улушини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2023 йил 15 ноябрдаги ПҚ-366-сон «Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирларитўғрисида»ги қарорлари асосида ишлаб чиқилган.
 7. Yillik-hisobot-2023.pdf (cbu.uz)
 8. BIS Statistics Explore (<http://stats.bis.org/statx>).
 9. BCA-UZB-RU.pdf (eu-cai.org).
 10. Asosiy_yunalishlar_2024_2026.pdf (cbu.uz).
11. O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankining rasmiy sayti ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tuzilgan.
12. Рынок МФО в мире: зарубежный опыт и перспективы развития | РБК Компании (rbc.ru)
13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тузилган. O'zbekiston banklaridagi mikroqarzarlar: 2023-yil mart oyi bo'yicha – Spot.
14. ЎРҚ-765-сон 20.04.2022. Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида (lex.uz).
15. Микрокредитлар ҳажми оширилиб, уларни ажратиш тартиби соддалаштирилади (aniq.uz).